Insonga naf keltirish – oliy baxt

Ishonch

2010-yil 16-fevral № 20 (2745) seshanba

O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Мохият

«Бугун жамиятимиз олдида турган долзарб масала — сиёсий-ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштириш вазифаси, бошқа нодавлат ва жамоат тузилмалари қаторида, энг оммавий ташкилот бўлган касаба уюшмалари зиммасига ҳам улкан масъулият юклайди»

Ислом КАРИМОВ

Эл-юрт хизматига камарбастамиз

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова билан мулоқот

— Ҳурматли Дилбар Набиевна! Маълумки, Юртбошимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Сенатининг биринчи мажлиси, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг қўшма мажлиси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузаларида мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги устувор вазифалар белгилаб берилди. Сухбатимизни мамлакатдаги энг йирик жамоат ташкилоти ҳисобланмиш Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг маърузадан келиб чикадиган вазифалари ҳакидаги фикрларингиз билан бошласак.

— Эътибор берган бўлсангиз, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида мамлакатни ривожлантириш, янгилаш, модернизация қилишнинг тўғри танланган стратегияси, қабул қилинган 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини бажариш борасида 2009 йилда бор куч ва имкониятларнинг сафарбар қилиниши туфайли глобал инқирознинг оқибатлари ва таҳдидларига нафақат бардош беришга, балки мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг барқарор суръатларини, халқ бардамлиги ва фаровонлигини оширишга муваффақ бўлинганлиги қайд этилди.

Шунингдек, маърузада 2009 йилда чуқурлашган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсишнинг таъминланиши жаҳон ҳамжамиятида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг ўзбек модели эътироф этилганининг яна бир исботи эканлиги алоҳида таъкидланди.

Юртбошимиз ўз маърузасида ҳал этилмаган муаммоларга эътиборни қаратиб, 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари ва йўналишларига батафсил тўхталиб ўтди.

Жумладан, ялпи ички маҳсулот ва саноат маҳсулотларини 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини 5 фоизга, маҳсулот экспортини 8,5 фоизга ошириш, инфляция даражаси 7-9 фоиздан кўп бўлишига йўл қўймаслик кўзда тутилмоқда. Иш ҳақини камида 30 фоизга, аҳолининг реал даромадларини эса 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

Кўрилган масалалар юзасидан қабул қилинган қарорда 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

Ўз навбатида, касаба уюшмалари ҳам 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг қуйидаги энг муҳим вазифалари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиши лозим:

— ислоҳотларни, мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилишни давом эттириш ва чуқурлаштириш, 2009-2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастурини сўзсиз бажариш ва шу асосда иқтисодиёт ўсишининг юқори ва барқарор суръатларини, унинг самарадорлигини ҳамда макроиқтисодий мувозанатни таъминлаш;

— банк-молия тизими барқарорлигини таъминлаш;

— иқтисодиётимизнинг рақобатбардошлигини ошириш учун уни таркибий ўзгартириш жараёнларини янада чуқурлаштириш;

— етакчи базавий тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилашга, транспорт ва инфратузилманинг қудратли, замонавий тармоғини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб бориш;

— қишлоқда уй-жой қуриш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантиришни жадаллаштириш дастурини амалга ошириш;

— аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадларини ошириш ва турмуш шароитини яхшилаш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш;

— «Баркамол авлод йили» Давлат дастурини амалга ошириш.

Аввало, маърузаларда билдирилган фикрларни **халқимизга тушунтириб боришимиз ва юртимизда рўй бераётган туб ўзгаришларни тарғиб қилишимиз** лозим.

Бунинг учун ОАВ имкониятларидан кенг фойдаланиш билан бир қаторда Федерация кенгаши раҳбарияти ва масъул ходимлари ҳар бир вилоятга чиқиб, семинарлар ўтказиши режалаштирилмоқда.

Республикада ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлида қабул қилинган **қонунлар моҳиятини меҳнаткашлар чуқур англаб етишига ҳар томонлама кўмаклашиш** ишларини жадаллаштириш, бунинг учун доимий равишда маҳаллий давлат ҳокимияти, суд, прокуратура, адлия ҳамда меҳнат органлари билан ҳамкорликда ўқув-семинарлари ўтказилишини таъминлаш зарур.

«Юридик шахс бор экан — жамоа шартномаси тузилсин!» шиори остида аъзоларимизни жамоа-шартномавий муносабатлар билан тўлиқ қамраб олишга эришиш учун барча чораларни кўришимиз керак.

Иш ҳақи соҳасида камситишларга барҳам бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмаслигига, илмий асосланган меҳнат меъёрлари жорий этилишига, иш ҳақидан ноқонуний ушлаб қолиш ҳолларига чек қўйилишига, иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни тугатишга эришиш лозим.

Бандликка кўмаклашиш масалаларида фаол иш олиб бориш, меҳнат бозорида тенг шароитларда рақобат қила олмайдиган шахсларнинг ишга жойлашиш борасидаги ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тузилмавий ўзгаришлар, банкротлик натижасида тугатилаётган корхоналар ходимлари учун ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш талаб этилади.

Чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш бўйича ҳукумат қарорларини ҳаётга татбиқ этиш борасидаги ишларимизни кучайтириш шарт. Мазкур йўналишдаги ишларни аҳоли ўртасида тарғиб қилиш, ОАВда ёритиш талаб этилади. Бунинг учун жойларда мониторинг гуруҳлари ташкил этилган.

Болалар меҳнати, айниқса, унинг энг ёмон шаклларини таъсирчан тақиқлаш борасида ҳукуматга кўмаклашиш давом эттирилади.

Федерация кенгашининг 2009 йил ноябр ойида бўлиб ўтган 5-мажлисида барча бўғиндаги касаба уюшма ташкилотларида аъзоларимизни **ҳуқуқий ҳимоя қилиш**, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш сифатини яхшилаш лозимлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Шунга кўра, фуқароларнинг мурожаатларига масъулиятсизлик билан ёндашган ҳамда ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш муддатини сабабсиз кечиктираётган касаба уюшма ташкилотларининг раҳбарларига нисбатан муросасиз бўлиш даркор.

Касаба уюшмаларининг юридик хизмати ходимларини аттестациядан ўтказиш ва Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш марказида уларнинг малакасини оширишни даврнинг ўзи тақозо этаяпти.

Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига эътиборни кучайтириш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, корхоналардаги иш ўринларини аттестациядан ўтказиш, ходимлар саломатлигига таъсир этувчи зарарли омилларни камайтириш чора-тадбирларини амалга оширишимиз зарур.

Ишчи-ходимлар, айниқса, ёшлар ўртасида **миллий ғоя тарғиботи, маънавий-маърифий ишларни** замон талаблари асосида ташкил этишимиз, ёшларни турли мафкуравий хуружлардан ҳимоя қилишимиз даркор.

Ишчи-ходимлар, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни **маданий-маърифий, спорт тадбирларига кенг жалб қилиш,** ёшлар қалбида Ватанга муҳаббат ҳиссини уйғотиш, аждодларнинг ўлмас хотирасига, истиқлол қадрига етадиган комил инсон қилиб тарбиялаш бундан кейин ҳам фаолиятимизнинг бош мезони бўлиб қолади.

Халқаро фаолиятимизда глобал иқтисодий инқироз даврида халқаро тажрибаларга таянган ҳолда, меҳнаткашларнинг ижтимоий ҳимоясига қаратилган ҳамкорликни давом эттириш лозим.

Ҳар бир касаба уюшма Марказий кенгаши ихтиёрида қолдирилган **маблағларнинг** аксарият қисмини ходимларнинг ойлик маошларига сарфлаётган вилоят кенгаши, вакилликларини молиявий соғломлаштириш масаласини чуқур ўрганиб чиқиш зарур. Шу ўринда, мазкур муаммони ҳал этиш йўлларидан бири аъзолар сонини кўпайтириш эканлигини ёддан чиқармаслик, ортиқча сарф-харажатларга чек қўйиш керак.

Бугунги кунда амалиётда қўллаб келинаётган тармоқ касаба уюшмаларини йириклаштириш масаласига эътибор кучайтирилиши лозим. Бу жараён маҳаллий тармоқ звеноси мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Ягона миллий касаба уюшмалари ҳаракатининг ажралмас бўлаги ҳисобланган ҳудудий бирлашмаларнинг вазифалари ҳамда ваколатларини аниқ белгилаб бериш муҳим аҳамият касб этади. Касаба уюшмаларида «суньий суверенлик», уларни бир-биридан ва марказдан йироқлашиши каби нохуш ҳолатларга йўл қўйиб бўлмайди. Ахир, касаба уюшмалари жойлардаги ҳокимият органлари билан ҳам ишлашларига тўғри келади.

Касаба уюшма демократияси нормалари ва ҳар қандай даражадаги касаба уюшма ташкилотларининг хоҳишларига ҳурмат билан қараган ҳолда таъкидлаш лозимки, ихтиёрий, лекин метин интизом, биргаликда қабул қилинган қарорларнинг виждонан бажарилиши, шунингдек, дунёда бирор бир ташкилот усиз фаолият олиб бора олмайдиган меъёр даражасидаги марказлаштириш таъминланиши зарур.

— Бозор иқтисодиёти шароитида мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш ва янгиларини ташкил этиш, меҳнаткашларнинг бандлигини таъминлаш масаласи энг муҳим муаммолардан бирига айланди. Коланерса, ходимларнинг иш ҳаки ва даромадларини оширишга кўмаклашиш мақсадида Федерация амалга ошираётган ишлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Юртбошимиз иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юз бераётган тарихий ўзгаришларнинг аҳамиятини одамлар тушуниши кераклигини алоҳида таъкидлади. Ўз-ўзидан савол туғилади: «Ислоҳот ислоҳот учун эмас — инсон учун» деган ғоя шунчаки шиор эмаслигини, ҳар бир ўзгариш замирида, у қайси соҳада бўлмасин, инсон манфаатлари ётишини, иқтисодиётни модернизация қилиш ишлари, охир-оқибат, турмушимизни фаровон, дастурхонимизни тўкин қилишга олиб келишини халқимиз биладими?

Таҳлиллар шуни кўрсатаяптики, аҳоли орасида бу масалалар хусусида тўлиқ тасаввур шаклланмаган. Тан олиб айтиш лозимки, касаба уюшмаларининг жойлардаги органлари томонидан ҳам бу борада тизимли асосда тарғибот-ташвиқот ишлари етарли йўлга қўйилмаган.

Касаба уюшмалари жамиятимизнинг ажралмас бир қисми сифатида мамлакатимизда юз бераётган тарихий ўзгаришлар, бунёдкорлик ишларидан четда қолмасликлари керак.

Биз уставда белгилаб қўйилган вазифаларимизни сидқидилдан бажарсак, юртимиз равнақига катта ҳисса қўшган бўламиз.

Ўтган йили биринчи навбатда ҳукуматимизнинг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича дастури бажарилишига кўмаклашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқдик ва амалга ошириб келмоқдамиз.

Шунга биноан:

мамлакат ишлаб чиқарувчиларини қўллаб-қувватлаш ишлари кучайтирилди;

иш ўринларини имкон қадар сақлаб қолиш мақсадида ходимларни тўлиқсиз иш вақти режимига ўтказишга вақтинчалик розилик берилди;

иқтисодий жиҳатдан барқарор корхоналарда ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш чоралари кучайтирилди;

касаба уюшмаларининг ўз маблағлари ҳисобидан 1000 дан ортиқ янги иш ўринлари барпо этилмоқда;

касаба уюшма бюджети маблағларини иқтисод қилишга эришилди.

Шунингдек, ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш масалалари Федерация кенгашининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

2009 йил апрел ойида Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазирлар Маҳкамаси, Савдо-саноат палатаси, шунингдек, манфаатдор вазирлик ва идоралар масъул ходимларининг республика касаба уюшмалари фаоллари билан давра суҳбати ўтказилди ва унда аъзоларимиз кўтарган энг долзарб муаммолар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда)

> 2009 йилда Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширилган чора-тадбирлар самарадорлиги ҳақида гапирганда, уларнинг аввало энг муҳим масалаларга — янги иш ўринларини яратиш ва аҳолимизнинг турмуш даражасини янада оширишга йўналтирилганини алоҳида қайд этиш зарур.
>
> Ўтган йили кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларда ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.
>
> **Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан**

> Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда инвестицияларни жалб этиш, аввало, ички манбаларни сафарбар этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг муҳим тармоқларини жадал модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ва ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳал қилувчи устувор йўналишга айланди.
>
> **Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасидан**

Касаба уюшма ташкилотлари

Қишлоқ фаровонлиги — тараққиёт кафолати

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Анвар Юнусов билан суҳбат

— Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили муносабати билан бошланган ишлар, айтиш мумкинки, авж палласига кирди. Айни вақтда қишлоқ меҳнаткашлари манфаатларини ҳимоя қилиш касаба уюшма ходимлари олдида турган долзарб масалалардан биридир.

— Дарҳақиқат, меҳнаткашларни касаба уюшмаларига жалб этиб, улар манфаатини ҳар томонлама ҳимоя қилишда тарғибот-ташвиқот ишлари жуда муҳим. Шу билан бирга, қишлоқда ходимларнинг асосини ташкил қалаётган фермер хўжаликларида соғлом меҳнат шароитини шакллантириш, якка тартибда боғдорчилик, чорвачилик, асаларичилик, паррандачилик ва ҳунармандчилик билан шуғулланаётган фуқароларимизнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги ортиб боришини таъминлаш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш катта рол ўйнайди.

Ўтган йилда 764 нафар меҳнаткаш, талаба ва ўқувчилар учун Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Қўқон, Марғилон ва Қува шаҳарларига саёҳатлар уюштирилди. Қишлоқ жойлардаги 7900 нафар мактаб ўқувчиларига Тошкент циркининг Фарғона шаҳридаги томошаларига бепул чипталар олиб берилди.

Бу — масаланинг бир томони. Энг муҳим жиҳати, йирик корхоналар билан касаначи ва корхоналарга якка тартибда хизмат кўрсатувчилар ўртасидаги ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш, шахсий ва ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш, қишлоқларда хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш билан боғлиқ ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этишда касаба уюшмалари ҳам ўз ўрнига эга эканлигини исботлай билдик. Шу тариқа қишлоқларда янги иш ўринлари шаклланишига замин яратилди.

Янги жамоаларда касаба уюшма органларини ташкил қилиш, касаба уюшма фаолларини меҳнат қонунчилиги, касаба уюшма фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар билан таништириш мақсадида доимий семинарлар ўтказиб борилди. Амалга оширилган ишлар самараси ўлароқ, 2009 йилда 74 та ташкилотда 1844 нафар, 48 та цех ташкилотида 2476 нафар меҳнаткаш касаба уюшма аъзолигига қабул қилинди.

(Давоми 3-бетда)

Бу ҳақида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Кенг йўлак бўйлаб Абулқосим мадрасаси ҳовлисига кираркансиз, руҳиятингизни ўзгача бир ҳиссиёт жунбишга солади. Чор атрофдаги ҳоналарда ҳар бир уста-ҳунарманд ўз иши билан банд. Кандакор мис лаган ёки обдастага жило бераётган бўлса, бошқа бирови қуруқ ёғочга қалб қўрини бериб, нақшлар билан жон бағишламоқда.

Ҳунармандчилик ривожланса

янги иш ўринлари яратилади, бозорларимиз янада файзли бўлиб бораверади

Асрлар давомида сайқал топиб келаётган халқ амалий санъати ва бадиий ҳунармандчилиги анъаналарини авайлаб-асраб, ривожлантирибгина қолмай, балки чет элларда ҳам кўзкўз қилаётган, ўз касбини санъат даражасига етказган кишилар меҳнатига ҳар қанча таҳсинлар айтсак кам.

Биз уста Абдулла Қосимовни суҳбатга тортамиз.

— 1960 йилдан буён сандиқсозлик билан шуғулланиб келаман, — дейди Абдулла ака. — Етти авлодимиз ҳунарманд ўтган. Отам Фатхулла Қосимов, бувам Қосим Рихсиев маҳорат билан турли хил ҳажмдаги сандиқларни ясашарди. Айни вақтда ўғлим Бахтиёр ҳам боболаримиз касбини давом эттирмоқда. Ишларимиз дунёнинг турли мамлакатларида — Германия, Япония ҳамда Хитойдаги кўргазмаларда намойиш этилган.

Ўтган аср 60-йилларининг бошларида, ҳунармандчилик таъқиқланган эди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, қайси ўзбек қизини сандиқ, қутисиз узатади. Ёдимда, оталаримиз сандиқни яширинча сотишарди. Қўлга тушиб қолсанг, жавобгарликка тортишлари ҳам ҳеч гап эмас эди. Истиқлол ҳунармандчиликка кенг қанот бағишлади. Ўзбекистон халқ рассоми, фахрий академик Ортиқ Файзуллаев, кандакор Асҳат Нодиров ва бошқа ҳунармандларимиз билан ҳаммамиз ҳақли равишда фахрланамиз.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда бебаҳо миллий қадриятларимизни қайта тиклаш ва эзгу анъаналаримизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, марғилонлик ҳунармандлар энг қадимги матолардан банорас ва адрасларнинг унутилиб кетган «Кудинг» усулида ишлаб чиқаришни йўлга қўйдилар. Буюк соҳибқирон Амир Темур давридаги сипоҳларнинг тагига тўшалган гилам фарғоналик ҳунармандлар томонидан қайта тикланди. Бундан 100 йил илгари ипакдан тўқилган «Ғажари бўғжама» матоси Бойсун ҳунармандлари томонидан ҳаётга қайтарилди. Сурхондарёнинг ироқи дўппилари, Шофиркон ва Нурота каштачилари мактабида ҳам узоқ йиллик тарихга эга бўлган санъат асарлари қайта жило топмоқда. Мисгарчилик, ганч ўймакорлигининг янги турлари усталар томонидан кашф этиляпти.

Мамлакатимизда ҳунармандчилик билан шуғулланаётганларнинг бошини қовуштириб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келаётган «Ҳунарманд» уюшмасининг тузилиши нур устига аъло нур бўлди.

(Давоми 3-бетда)

Ishonch
2010-yil 16-fevral №20 (2745)

Эл-юрт хизматига камарбастамиз

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова билан мулоқот

(Боши 1-бетда)

Маълумки, ижтимоий шерикчиликни биз жамоа келишувлари ва шартномалари воситасида амалга оширамиз.

Бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий, тармоқларда 80 та тармоқ келишуви амал қилмоқда.

Жами юридик шахсларнинг 87,9 фоизида жамоа шартномалари тузилиб, уларда 5 миллионга яқин ходимнинг манфаатлари акс эттирилмоқда.

Жамоа шартномаларидан пенсионерларга, ногиронларга, кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, корхоналар ҳисобидан ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини дам олдириш, соғломлаштириш, кам таъминланган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари харид қилиш каби кўплаб ижтимоий тадбирлар ўрин олиши республикамизга хос яхши бир анъанага айланган.

Биргина «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида 2009 йили жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 209 минг кишига ижтимоий кўмак берилди.

Бандликка кўмаклашиш соҳасида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган ҳолда янги иш ўринларини яратиш дастурлари прогноз кўрсаткичлари ижроси мониторингига касаба уюшмалари жалб этилди.

Маълумки, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш масалаларига ҳукуматимиз томонидан катта эътибор берилмоқда. Бу борада Президентимизнинг **«Шахсий, ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида»**ги қарори катта аҳамиятга эга. Касаба уюшмалари чорвачиликни ривожлантиришга кўмаклашиш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда.

Айни пайтда касаба уюшмалари маблағидан кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга жами 133 та қорамолни хайрия сифатида олиб берганимиз ва шунинг эвазига янги иш ўринларини яратишга эришганимиз ҳам эътиборга лойиқдир.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг адолатли тизимини жорий этиш, иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорликни бартараф этиш мақсадида ўтган йили касаба уюшма органлари томонидан иш берувчиларга, маҳаллий ҳокимият органларига, банкларга, ҳуқуқий инспекцияларга, прокуратура ва суд органларига жами 1272 марта мурожаат қилиниб, 35,8 млрд. сўмлик ўз вақтида тўланмаган иш ҳақи ундириб берилди.

— Бугунги даврда ҳаётнинг ўзи касаба уюшмалари олдига конун ижодкорлиги, ҳуқуқий ҳимоя ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш соҳасида фаолиятини жадаллаштириш талабини қўймоқда. Бу борада Федерация томонидан қандай ишлар килинаяпти?

— Эътироф этиш лозимки, **ҳуқуқий ҳимояни кучайтириш** борасида касаба уюшмалари томонидан фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш, аъзо ташкилотларимизда қонун ҳужжатларининг тўғри қўлланишини таъминлашга кўмаклашиш, ҳуқуқий мавзуга оид тавсия ва кўрсатмалар ишлаб чиқиш, семинар ва давра суҳбатлари ўтказиш, ОАВда чиқишлар қилиш ишлари анча яхшиланди.

2009 йилда касаба уюшма органларига келиб тушган жами 23343 та ариза ва шикоятлардан 70 фоизи аризачилар фойдасига ҳал қилинди. Биргина касаба уюшмаларининг юридик хизмати томонидан йил мобайнида корхоналардан тушган 1829 та мурожаатнинг 73 фоизи, фуқароларнинг 5320 та мурожаатининг 86 фоизи ижобий ҳал этилгани, аъзоларимизнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, даъво ариза билан судга 72 маротаба мурожаат қилинган бўлса, шундан 56 ҳолатда ёки 78 фоиз даъво қаноатлантирилгани диққатга сазовордир.

Охирги пайтларда касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг **меҳнат муҳофазаси,** уларга яратилаётган меҳнат шароитларига эътибор анча кучайди. Жумладан, деярли барча ҳудудларда меҳнат муҳофазаси бўйича ҳар хил даражадаги ўқув-семинарларини ўтказиш йўлга қўйилди.

Мулк ва хўжалик юритиш шаклларининг ўзгариши, янги технология ва жараёнларнинг кириб келаётганини ҳисобга олган ҳолда меъёрий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш дастурига биноан, меҳнат муҳофазаси бўйича ишлаб чиқилган 60 га яқин қоида ва йўриқномалар Федерация кенгаши томонидан кўриб чиқилди ва келишилди.

Бундан ташқари, «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги Низомнинг янги лойиҳаси ҳамда «18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатидан фойдаланиш тақиқланадиган ноқулай меҳнат шароитидаги ишлар рўйхати» кўриб чиқилиб, улар юзасидан таклиф ва эътирозлар берилди.

— Янгича, мустақил тафаккур зарурати ҳануз долзарб, миллий мафкурани шакллантириш, маънавиятни юксалтириш бугунги куннинг энг муҳим вазифасидир. Бу борада Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси амалга ошираётган ишлар ҳақида нималар дея оласиз?

— Касаба уюшмалари фаолиятидаги асосий йўналишлардан бири меҳнаткашлар, айниқса, ёшларнинг **маънавий дунёқарашини ўстириш, миллий қадриятлар, урф-одатлар, ватанга муҳаббат ҳиссиётини уйғотиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш, республикамизда рўй бераётган туб ислоҳотларни оммага етказиб бориш, тарғибот-ташвиқот** ишларини кучайтиришдан иборатдир.

Бу борада Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида санъат фестивалларини ўтказиш, концертларга, музейларга бепул ташрифлар, тарихий обидаларга саёҳатлар уюштириш каби кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Масалан, Мустақиллик байрами арафасида «Нуроний» жамғармасининг жойлардаги бўлимлари билан биргаликда олис қишлоқларда яшовчи 5 мингга яқин уруш ва меҳнат фахрийларининг Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларига зиёратлари уюштирилди.

Ишчи-ходимлар, айниқса, ёшлар ва аёллар ўртасида спортнинг бир қатор турлари бўйича мусобақалар ўтказилди. Сирдарё вилоятида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» республика спорт мусобақаси ғолиблари учун совринлар таъсис этилди.

Шу билан бирга, кам таъминланган, кўп болали оилаларга, шунингдек, етим-есирлар, ногиронлар, муҳтож талаба ва ўқувчиларга, «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига ҳомийлик ёрдами кўрсатиш масалалари касаба уюшмаларининг доимий диққат марказида бўлиб келди. 104202 кишига кийим-кечак, дори-дармон, озиқ-овқат, ўқув қуроллари ҳадя қилинди. 3172 кишига ҳамда «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига моддий ёрдам кўрсатилди.

Қишлоқда яшаб олий ва ўрта-махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг 604 нафар иқтидорли фарзандлари учун касаба уюшмаларининг устама стипендиялари таъсис этилди.

— Касаба уюшмалари Федерациясининг халқаро алоқалари ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Федерация кенгаши, Федерацияга аъзо ташкилотларнинг **халқаро фаолияти** Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касаба уюшмалари конфедерацияси ва касаба уюшмалари халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликни давом эттиришга қаратилди. Ўзбекистонда Фридрих Эберт жамғармаси билан ҳамкорликда туркум халқаро семинарлар ўтказилиб, уларда ижтимоий шерикчилик, меҳнат муҳофазаси, аёллар ва эркакларнинг меҳнатдаги тенглиги муаммолари муҳокама этилди. 20 дан зиёд касаба уюшма фаоллари Япония, Жанубий Корея, Халқаро меҳнат ташкилотининг Турин (Италия) шаҳридаги ўқув марказларида таҳсил олиб қайтишди.

Икки томонлама келишувларга асосан 50 дан ортиқ вакилимиз Умумихтой касаба уюшмалари, Россия мустақил касаба уюшмалари федерациялари, Озарбайжон касаба уюшмалари конфедерациясининг қурултой ва семинарларида иштирок этди.

— Касаба уюшма маблағларини мақсадли сарфлаш, меҳнаткашларни соғломлаштириш бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Биз фаолиятимизни **молиявий жиҳатдан мустаҳкамлашга** катта эътибор қаратаяпмиз.

Касаба уюшмаларининг асосий маблағлари ўқув-семинарлар, маданий-оммавий ва спорт тадбирлари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга, ногиронларга, шунингдек, касаба уюшмалари аъзоларига моддий ёрдам кўрсатишга, ўқув марказининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга сарфланди.

«Касаба уюшма органларида касаба уюшма бюджети мақсадли сарфланиши тўғрисида»ги вақтинчалик Низомга амал қилиниши маъмурий-хўжалик харажатларини анча камайтириш имконини берди.

Шунингдек, маблағларимиз Федерация кенгаши балансидаги 14 та болалар оромгоҳи биноларини таъмирлаш ва жиҳозлашга, Бўстонлиқ туманидаги «Қуёшли» болалар оромгоҳини қайта қуришга, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Андижон, Хоразм, Жиззах вилоят бирлашмалари биноларини реконструкция қилишга ажратилди. Ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясига ҳисса қўшиш мақсадида Гулистон шаҳридаги 1-академик лицейни реконструкция қилиш ҳамда жиҳозлашга 1 млрд. сўм маблағ сарфланди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини **соғломлаштириш** соҳасида муайян ишлар амалга оширилди.

Ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштиришга 20,6 млрд., жумладан, ижтимоий суғурта бюджети ҳисобидан 13 млрд. сўм йўналтирилди. Мазкур маблағлар ҳисобига 121 мингдан зиёд киши санаторийлар, дам олиш уйлари ва санаторий-профилакторийларда даволанди.

Болаларни соғломлаштириш тадбирларини ташкил этишда касаба уюшмалари фаол иштирок этди. 2009 йил соғломлаштириш мавсумида 247 мингдан ортиқ болалар, жумладан, 120 минг бола ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан соғломлаштирилиб, бу мақсадларга корхоналар, ташкилотлар, ота-оналар, касаба уюшма ва ижтимоий суғурта бюджетлари ҳисобидан жами 18 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

— Аъзолик афзалликларини асослаш ҳамда фаолиятдаги камчиликлар ҳақида қандай фикр билдирасиз?

— 2000 йилдан бошлаб ҳар йили кузатиб келинаётган **касаба уюшмалари аъзолари сони камайишининг** олдини олишга қаратилган шошилинч чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш заруриятдан келиб чиққан ҳолда 2007-2009 йиллар давомида республика бўйича 6066 та янги касаба уюшма ташкилоти тузилиб, 251 мингдан ортиқ ходим касаба уюшмалари аъзолигига жалб этилди.

Фаолиятимизда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам борлигини инкор этиб бўлмайди. Жумладан, **жамоа келишувлари ва шартномаларини** тузиш, экспертизадан ўтказиш, мазмунини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш, қабул қилинганидан кейин эса жойларга етказиш, бажарилишини таъминлашда кўплаб нуқсонлар мавжуд.

Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ижтимоий адолатли тизимини жорий этиш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида ва тўлиқ тўланишига эришиш борасида ҳам аъзоларимизнинг ҳақ-ҳуқуқлари ишончли ҳимояга олинган деб бўлмайди.

Касаба уюшма органлари томонидан **бандликка кўмаклашиш**, янги иш ўринларини барпо этиш, касаначилик, чорвачиликни ривожлантириш масалаларига ҳам етарли эътибор берилмаяпти.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан касаба уюшмалари томонидан жамоат назоратини кучайтириш, ҳар хил даражадаги ўқув-семинарлар ўтказиш борасида олиб бораётган ишлар етарли эмас.

Иш берувчиларнинг меҳнат муҳофазасига эътибор қаратмаслиги ҳамда касаба уюшмалари олиб бораётган жамоат ишлари етарли эмаслиги натижасида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони камаймаяпти.

Оромгоҳлар фаолиятини ташкил этиш, уларни молиялаштириш соҳасидаги камчиликлар кўзга ташланиб қолмоқда. Андижон, Бухоро, Хоразм вилоятларида касаба уюшма бюджети ҳисобидан болаларни соғломлаштиришга ажратилган маблағлар тўлиқ ишлатилмаган.

Мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳларда болаларни овқатлантиришга маблағларни тўлиқ ажратмаслик ҳолатлари давом этаяпти. 2009 йил ёз мавсумида бундай оромгоҳларда Бухоро, Навоий, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятларида маблағлар етарли ажратилмагани боис, ҳар бир болани овқатлантиришга ўртача 200 сўмдан 500 сўмгача кам маблағ сарфланганини нормал ҳол деб бўлмайди.

Касаба уюшмалари аъзолари сонининг йилдан-йилга ўсиши яхши кўрсаткич, албатта. Лекин масаланинг бошқа томони борки, ҳаммамизни ўйлашга мажбур қилиши керак. Касаба уюшмалари аъзолари сонининг ўсишига асосан янги ташкил этилаётган касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларини аъзоликка қабул қилиш, шунингдек, олий ўқув юртларига қабул қилинаётган талабалар ҳисобига эришилмоқда. Сўнгги беш йилда касаба уюшмалари аъзолари бўлган талаба ва ўқувчилар сони эса 835 минг кишига кўпайгани ҳолда, ишловчи касаба уюшма аъзолари сони деярли 500 минг кишига камайди.

Бу касаба уюшма ташкилотлари томонидан Федерация кенгашининг II мажлиси қарорлари тўлиқ бажарилмаётганини, нодавлат сектори корхоналари ходимларини аъзоликка жалб этишда сусткашликка йўл қўйилаётганини кўрсатади. Жойларда тузилган мониторинг гуруҳлари етарлича ишламаяпти, ҳудудда фаолият кўрсатаётган ва касаба уюшмаси тузилмаган корхона, ташкилот, муассасалар тўғрисида маълумотлар етарли эмас. Бу борада жойлардаги статистика органлари билан алоқалар яхши йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда касаба уюшма ташкилоти тузилишига тўсқинлик қилинаётган корхоналарда олиб борилаётган ишлар асосан мазкур корхоналар раҳбарлари билан мулоқот қилиш даражасида қолиб кетмоқда. Бевосита корхона ходимлари ўртасида аъзолик афзалликлари юзасидан тарғибот-ташвиқот, тушунтириш ишларини олиб боришга эътибор қаратилмаяпти. Республикада амалда бўлган қонунларда, қолаверса, халқаро ҳужжатлар, жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенцияларида белгилаб қўйилган касаба уюшмалари ваколатларидан тўлақонли фойдаланилмаяпти.

Тузилма, кадрларни танлаш ва бошқа масалаларда айрим вақтларда тармоқ ва ҳудудий касаба уюшма тузилмалари ўртасида «муносабатларнинг бирмунча таранглашуви» кўзга ташланиб қолмоқда. «Ким аҳамиятлироқ», деган савол баҳс-мунозараларга ҳам сабаб бўлган ҳоллар мавжуд. Бундай ҳолатлар, ўз навбатида, касаба уюшмалари ҳаракатига салбий таъсир этиши ва бунга йўл қўйиб бўлмаслиги барчамизга аён.

— Ҳозир барча даражадаги касаба уюшма ташкилотларида ҳисобот-сайловлар бўлиб ўтаяпти. Бу жараёнда нималарга кўпрок эътибор қаратиш керак деб ўйлайсиз?

— Касаба уюшмалари ҳаётида муҳим аҳамият касб этадиган жараёнлардан бири **ҳисобот-сайловлар** ҳисобланади. Бугун ҳар қандай даражадаги касаба уюшма органи, у касаба уюшма қўмитаси, Марказий кенгаш ёки Федерация кенгаши бўладими, ўзига ҳисобот даврида нималарга эришдик, қандай камчиликларга йўл қўйдик, олдимизда қандай вазифалар турибди деган савол ҳақида ўйлаб кўриши, бу саволга холис, виждонан жавоб бериши керак. Бир кунлик ёки бир йиллик эмас, беш йиллик фаолият баҳоланадиган бу жараёнга масъулиятсизлик билан қараш, енгил-елпи ҳисобот билан чекланишга йўл қўйиб бўлмайди. Сайланаётган касаба уюшма органлари таркибига билимдон, соҳада, корхона ёки ташкилотда ўзига яраша обрў-эътиборга эга бўлган, масъулиятни ҳис эта оладиган, қолаверса, гўзал инсоний фазилатларга эга бўлган номзодларнинг кўрсатилиши эса кейинги беш йил давомида мазкур касаба уюшма органи муваффақиятли фаолият кўрсатишининг гарови эканлигини унутмаслик лозим.

«Ishonch» мухбири
Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ
суҳбатлашди

...У чўпондир — етти ўлка кезади...

Маҳтумқули ва Дурди шоир айтишувидан.

(Давоми, бошланиши ўтган сонларда).

5

Ғалат, ҳамма қўчқорларнинг ҳам насли, табиати бир хил бўлавермас экан. Кўп сонли ўтов гурунгларидан англаганимга қараганда, қўйларни суньий кочиришга барҳам берилгандан сўнг қўчқорларни четгир, бахил, асил ва бошқа турларга бўлиш муҳим аҳамият касб этаркан.

Четгир қўчқорлар сурувдан бир-икки совлиққагина чопар, бошқасига қарамас, натижада, қўйнинг насли кўпайса, бахил қўчқорлар қўйларнинг биқинига шохлаб, қўзисини ташлашига сабабчи бўлар экан.

— Сурувга энг асил, зотдор қўчқорларни қўшган чўпонгина кўзлаган мақрасига эришади, — деган жавобни олдим гурунгдош бўлган қўйчивонларимдан. — Шунинг учун ҳам тажрибали чорвадорлар наслчиликда ҳикмат, кўп дейишади.

Тўртинчи боб

1

Чақмоқ чақиб, момақалдироқ билан ёққан баҳор ёмғири бир зумда тинди.

— Илтимос, машинани тўхтатинг, томоша қилайлик, — дейман менга ҳамроҳлик қилаётган, кўп йиллар «Ўзбекистон» қоракўлчилик-наслчилик хўжалигида бош чорвадор бўлиб ишлаган, айни пайтда «Ўртабулоқ» газ конида фаолият кўрсатаётган Алексей Рамазоновга.

Алексей машҳур чўпон, марҳум Исмоил Рамазоновнинг фарзанди, ота ўгитини олиб, озми-кўпми чўпонликнинг ҳадисини олган йигит.

— Манзилга озгина қолган эди, етиб борайлик. Кейин истаганингизча томоша қилаверасиз.

Унинг айтганича бор экан, кўпи билан беш дақиқа тупроқ йўлдан юрганимизда баланд тепалик устидаги чўпон ўтови, қишга ғамланган янтоқ ғарами, уч-тўрт қўйхона кўзга ташланди.

— Холли бобонинг қўши шу, — деди ҳамроҳим.

Машинадан тушиб, чўл ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олдик.

— Келинглар, меҳмонлар, — ёруғ юз билан қаршилади бизни ёши саксонни қоралаган миқтигина, серҳаракат отахон.

Эрталаб йўлга чиққанимизда лак-лак бостириб келган булутлар бироз тарқаб, қуёш нур соча бошлади. Ғалат, қуёш юз кўрсатиши билан тафти сезилади, елкаларингни қиздириб юборади, гўё салгина олдин ҳеч қандай этни жунжиктирувчи совуқ ҳам бўлмаган, челаклаб ёмғир ёғмагандек. Ярим кун давомидаги ўзгаришлар дилимни қитиқлади. Беихтиёр баҳорни беор кимсага менгзадим — бир қарасанг, чеҳраси ёришиб жилмаяди, сал ўтмай юзига қора булутлардан парда ёпиб, хўмраяди.

— Уни қаранг, Ҳасан-Ҳусан ёйи чиқди, — дейман ҳаяжонланиб.

Олис уфқда қизил, кўк, сариқ ранглар товланади, гўё баҳорнинг келганини илғамаган қалбларни уйғотишга аҳд қилгандек ёйсимон чизиқ — камалак тортилганди. Кўз ўнгимда намоён бўлган манзара баҳорга дилимда уйғонган гина-кудуратни аритди.

«Қур-эй, қур-эй». Қулоғимга чалинган таниш товушдан юрагим ҳаприқиб кетди — турналар қайтаяпти. Фалакка кўз тикиб қанчалик қидирмай, бир муддат баҳор даракчиларини тополмай тараддудланиб тураман. Сўнг осмонда қора нуқталар кўринди. Турналар уч тўдага бўлиниб учарди, бошловчи тўдада олтита турна, бошқаларида эса анча кўп. Тўдалар ғаройиб тарзда гизилишган, шакл ҳам, қанот қоқишлар ҳам сира ўзгармайди. Эсимни таниганимдан буён ҳар йили икки бор гувоҳи бўладиганим бу ҳолат фикру-зикримни эгаллайди. Табиатнинг бири иккинчисини тўлдирувчи ғаройиб мўъжизаларига маҳлиё бўлиб турганимда, димоғимни чўлнинг турфа гиёҳларидан таралган ифор қитиқлайди. Бу мутаносиблик вужудимни асир этиб хаёлот оламига етаклайди.

— Юринглар, ўтовга кирамиз, — хаёлларимни тўзғитади кекса қўйчивоннинг мурожаати.

Бутун умр сурув изидан юриб, шундай гўзалликдан баҳраманд бўлган отахонга ҳавасим келди.

— Чўпонларнинг айримлари нончи қўйининг бўйнига солинган арқоннинг бир учини оёғига, қўлига боғлаб ётади. Рўзиқул ферма билан ярим тун Холли бобонинг ёнига борганимизда, у кишининг арқонни бўйнига ташлаб ётганини кўрганман, — деганди Ислом чўпонлар ҳаётидан гурунг кетган бир даврада.

«Нончи қўй нима, чўпон нега унга боғланган арқоннинг бир учини ушлаб ётади» деган савол туғилиши мумкин чорвадор ҳаётини билмайдиган кишида. Яхши чўпон, албатта, бир-икки қўйга қўлдан нон бериб, ўзига илиқтириб олади, сурувбоши қўнғироқчи серкасига қарашади. Боиси ҳар кун ҳам сурув қўтонга қамалмайди, сурум ҳафталаб давом этиши мумкин. Серўт яйловдан қўйларни ўтовга ҳайдаш ортиқча вақтни олади. Эртасига шу масофани бесамар босиб ўтишга тўғри келади. Сурувнинг оёғи йиғилган жой чўпоннинг макони. Агар чўпон нончи қўйга боғланган арқоннинг бир учини қўлига, оёғига ўраб ётмаса, ярим тунда қўйларнинг ўрлаб (ўтлаб) кетганини сезмай қолиши мумкин. Табиийки, нончи қўй ҳам сурувдан қолишни истамайди, унга эргашади.

— Холли бобо арқон тортилиши билан нафаси бўғилиб ўрнидан туриб кетар экан. «Уйқум сергак, аммо ёш ўтган сайин чарчоқ элитиб бораверяркан кишини» деганди кекса чўпон ўшанда, — деб ҳикоясини якунлаганди Ислом малим.

2

Чўпончиликдан бехабар кишилар бу касбни зерикарли деб ўйлашади. Очиғи, юзаки қараганда уларнинг мулоҳазаси ўринлидек туюлади. Туну кунниг тайини йўқ, суҳбатлашишга онда-сонда бир устингдан йўли тушган киши бўлмаса шерик топилмайди, сурувнинг изидан юрганинг-юрган. Бир зайил ҳаёт кимни зериктирмайди дейсиз. Турмуш чорраҳаларида турфа тарз, турфа вазиятда дуч келган чўпонларимнинг бирортаси бундай мулоҳаза юритувчиларга қўшилмади.

— Чўпоннинг ҳаётини зерикарли деб ўйлаганлар хато қилади, — деганди кекса авлод вакилларига мансуб чўпонлардан Сойиб ака Авазов. — Чўпон яйловда ёлғиз эмас, унинг доимий ҳамроҳлари бор, булар заранг таёқ, бўрибосар ит, беминнат кўмакчиси бўлган эшак ҳамда чўпон гулхани. Неча минг йилдан бери шундай бўлиб келган, шундай бўлиб қолаверади ҳам.

— Туяни гапирмадинг, сен билан мен яйловга илк қадам қўйган давримизда бу жонивори йўқ отарни тасаввур этиб бўлмасди. Таъбир жоиз бўлса, чўлдаги чўпоннинг энг яқин мададкори туя дейиш мумкин, — суҳбатга аралашади Сойиб чўпоннинг акаси Қурбон бобо.

Ishonch
2010-yil 16-fevral №20 (2745)

Касаба уюшмалари ҳаёти

Қишлоқ фаровонлиги – тараққиёт кафолати

Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Анвар Юнусов билан суҳбат

(Боши 1-бетда)

2009 йилда вилоят ҳокимлиги ва тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда 3872 та касаначилик асосидаги ҳамда паррандачилик, асаларичилик, балиқчиликни ривожлантириш бўйича ҳукумат қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 15.562 та янги иш ўрни ташкил этилиб, уюшмаган тартибда меҳнат қилаётган фуқароларимиз касаба уюшма сафига қабул қилинди. Муҳими, меҳнаткашларнинг касаба уюшмаларига якка тартибда қабул қилиниши уларда жамоа руҳи шаклланишида катта рол ўйнамоқда. Бунда касаба уюшмаси аъзолигидан моддий-маънавий, ҳуқуқий манфаатдорлик ортиб бораётгани, меҳнат ҳуқуқи масалаларида касаба уюшмалари ўз аъзоларини ташлаб қўймасликларига ишонч уйғонаётганини асосий мезон қилиб кўрсатиш мумкин.

— Ходимларни ҳуқуқий ҳимоялаш, жамоа келишуви ва жамоа шартномаларининг бажарилиши ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида эришилган натижалар қандай бўлди?

— Ўтган йили 36 нафар деҳқон ва фермер хўжалигида меҳнат қилаётган фуқароларимизга қонун доирасида кўмак берилди. Уларнинг меҳнат низоларини ҳал қилишда бевосита касаба уюшмалари мутахассисларига суянаётгани қувонарли ҳол. Жумладан, йил давомида иш берувчилар номига 46 та тақдимнома киритилиб, 90 нафар меҳнаткашнинг ҳуқуқи низосиз тикланди. Сўх, Риштон, Бағдод, Ёзёвон, Фурқат, Қува, Охунбобоев, Ўзбекистон, Фарғона туманларида меҳнат қилаётган аҳолига «Ҳуқуқий маданиятни ошириш миллий дастури»ни бажариш бўйича ўқув машғулотлари ташкил қилиниб, жами 197 маротаба ҳуқуқий мавзуда давра суҳбатлари ўтказилди. Фуқаролардан тушган 495 та ёзма, оғзаки ариза ва шикоятлар ўрганилиб, 74 таси меҳнаткашлар фойдасига ҳал қилинди.

Меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашда асосий восита иш берувчилар билан тузилган жамоа келишуви ва жамоа шартномаларидир. Жамоа шартномалари асосида қишлоқлардаги 15.289 нафар кам таъминланган оилага моддий ёрдам берилди. Афсуски, йил давомида олиб борилган текширувлар натижасида баъзи, ҳатто моддий жиҳатдан яхши таъминланган корхона, фермер хўжаликларида жамоа келишувлари бажарилишида камчиликка йўл қўйилаётганининг гувоҳи бўлдик. Бундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида корхона раҳбарлари ва касаба уюшмалари фаоллари ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди.

Иш ҳақидан қарздорликни бартараф этиш борасида касаба уюшмалари томонидан ишлаб чиқилган чора-тадбирлар асосида йил давомида 5878973,3 минг сўм миқдордаги қарздорлик бартараф этилди. Вилоятда қарздорликни камайтириш муаммоси касаба уюшмаси, раёсат, меҳнат жамоаларининг умумий мажлисларида кўриб чиқилди. Бундан ташқари, иш ҳақидан қарздорлик бўйича шаҳар, туман, ташкилот ва корхоналарда, жамоатчилик назорати гуруҳлари томонидан олиб борилаётган ишлар юзасидан ҳисоботлар олиниб, бирлашма кенгаши томонидан таҳлил қилинмоқда.

Ёшлар ўртасида касаба уюшмалари фаолиятини тарғиб қилиш мақсадида вилоят касб-ҳунар коллежларида таҳсил олаётган 52 нафар кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун касаба уюшмалари стипендиялари ташкил этилди. Шунингдек, байрамлар арафасида 8437 нафар қишлоқ оилалари, ёрдамга муҳтож ногирон ёшлар, меҳнат фахрийларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилди.

2009 йилнинг ёзги соғломлаштириш мавсумида 12.290 нафар қишлоқ болалари оромгоҳларда дам олдирилди. Бундан 1192 нафари касаба уюшмалари маблағлари ҳисобидан бепул дам олдирилди. Қишлоқлардаги корхона, ташкилот, хўжаликларда меҳнат қилаётган аҳолининг 450 нафари имтиёзли йўлланмалар орқали санаторий ва курортларда соғломлаштирилди. 40 нафар меҳнаткаш бепул тиббий суғурта полиси билан таъминланди. Йил давомида бирлашма кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмалари томонидан бир қатор спартакиадалар, спорт байрамлари ўтказилди. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишланган «Соғлом она — соғлом оила» спорт мусобақаларининг вилоят босқичлари, волейбол, стритбол, мини-футбол, стол тенниси, шахмат, шашка, дартс, армрестлинг ва спортнинг бошқа турлари бўйича тармоқлараро спартакиадалар уюштирилди.

Баркамол авлод йилида ҳам бу ишлар давом эттирилади ва табиийки, ёшларга эътибор янада кучайтирилади. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки қишлоқнинг келажаги, бевосита, ўсиб келаётган авлоднинг қай даражада камол топишига боғлиқ.

Улуғбек ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

Ҳунармандчилик ривожланса

янги иш ўринлари яратилади, бозорларимиз янада файзли бўлиб бораверади

(Боши 1-бетда)

— Уюшмамиз Президентимизнинг 1997 йил 31 мартдаги «Халқ амалий санъати ҳунармандчилигини ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонига асосан ташкил этилган бўлиб, барча ҳунармандлар солиқ ва божхона тўловларидан озод қилинганлар, — дейди уюшма раиси Муҳаммадюсуф Қурбонов. — «Ҳунарманд» уюшмаси халқ амалий анъаналари асосида фаолият юритаётган халқ усталари, ҳунармандлар ҳамда ижодкор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айни вақтда республикамиз вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида бошқармаларимиз фаолият кўрсатмоқда. Туман ва шаҳарларда эса 39 та бўлимимиз мавжуд. Улар ҳунармандларнинг хом-ашё ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминланишларига кўмаклашмоқдалар. Шунингдек, ишлаб чиқараётган маҳсулотларини ички ва ташқи бозорларда сотишга ва экспорт қилишга ёрдамлашмоқдалар. Шу саъй-ҳаракатларимиз туфайли аъзоларимиз сони 20 минг кишидан ортиб кетди. Куни кеча уюшмамизнинг Брюсселдаги жаҳон «Ҳунарманд» уюшмасига аъзо бўлганлиги ҳақидаги хушхабарни олдик.

Юртбошимиз 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида халқ ҳунармандчилигини, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш — бандликни таъминлашнинг амалда ўзини оқлаган муҳим йўналишлари бўлиб қолишини алоҳида таъкидлаб ўтганлари бизни янада куч-ғайрат кўрсатиб ишлашга ундамоқда.

Суҳбат асносида ҳунармандлар сафини кенгайтириш уюшманинг асосий вазифаларидан бири эканлиги эътиборимизни тортди.

— Биз бу вазифани ҳунармандларни касаначиликка жалб этиш орқали амалга оширишга ҳаракат қиляпмиз, — изоҳ берди суҳбатдошимиз. — Маълумки, вилоятларимизда уйда ишлаш истагини билдирувчилар ниҳоятда кўп. Чунки бу хилда фаолият кўрсатишнинг ўзига хос афзалликлари бор. Йўлкира ҳамда турли харажатлар тежалади. Шу ўринда масаланинг иккинчи томонини ҳам унутмаслик лозим. Уйда ишлаётган ҳар бир ҳунарманд юксак малакага эга бўлиши зарур. Йўқса, унинг ишлаб чиқараётган маҳсулоти бозорда рақобатлаша олмайди. Шу боисдан ҳам миллий устачилик, ҳунармандчилик меросини сақлаш ва усталар сафини иқтидорли ҳамда иштиёқманд ёшлар билан тўлдириб бориш мақсадида «Уста-шогирд» мактабларини ташкил этдик. Кўплаб ёшлар шу мактабни ўтаб, юксак малакали ҳунармандлар сафига қўшилишяпти.

— Оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш орқали бозорларимизни тўлдириш ва янги-янги иш ўринларини очиш имконияти ҳақида нималар дея оласиз?

— Албатта, ҳозирги вақтга келиб нафақат ҳунармандларимизнинг, балки уларнинг касб йўналишлари сони ҳам ўсиб бормоқда. Ёдингизда бўлса, Президентимиз Самарқанддаги «Сиёб» бозорида бўлганларида у ердаги турли хил овқат маҳсулотлари тайёрлаб, сотаётганларга қарата: уларнинг келгусидаги фаолиятлари қандай кечади? — деган саволни ўртага ташлагандилар. Шуни ҳисобга олиб, пазандалар ҳамда шакарпазларни ҳам сафимизга жалб этмоқдамиз. Шу кунга келиб бизга аъзо бўлаётган касб йўналишлари сони 42 тани ташкил этади. Эндиликда улар Вазирлар Маҳкамасининг 216-қарорига биноан имтиёзли солиқ тўлашмоқда. Шу билан бирга, бизга аъзо бўлганларга меҳнат дафтарчалари очилган бўлиб, пенсия ёшига етганда нафақа ҳам оладилар.

Касаба уюшма ташкилоти — меҳнаткашлар суянчиғи ҳисобланади. Шуни ҳисобга олиб, касаба уюшма ташкилоти ҳам тузганмиз. Унга моҳир уста Абдурашид Тўхтаев етакчилик қилмоқда. Ташкилот иш режасига жойларда турли тадбирлар ўтказиш ҳамда аъзоларимизни ҳар томонлама ҳимоялаш вазифалари киритилган. Унга кўра, бизда ишлаб кетган меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, турли совға-саломлар тарқатиляпти.

Кўриниб турибдики, оилавий тадбиркорлик ҳамда ҳунармандчилик қанчалик ривожланса, шунчалик кўп янги иш ўринлари яратилади ва уларнинг саъй-ҳаракатлари билан дастурхонимиз тўкинлашиб, бозорларимизга файз киради.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Бу ҳақида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида гапирилган эди

Солиқ ва ҳаёт

Иқтисодиёт таянчи

Солиқ тизими иқтисодиётнинг энг муҳим бўғинларидан эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Солиқлар ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилгандагина давлат бюджетида камчиликлар кўзга ташланмайди. Бошқача айтганда, нафақа пуллари ҳам, маошлар ҳам, стипендия ёки бошқа ижтимоий ҳимояга йўналтирилган маблағлар вақтида ўз эгасини топади. Шу мақсадларда давлат солиқ идоралари томонидан турли назорат тадбирлари мунтазам равишда олиб борилади.

Бўлимимиз томонидан туман ҳудудидаги савдо, умумий овқатланиш тармоқлари ва хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва тадбиркорлар томонидан кунлик пул тушумларини тўлиқ топширилиши юзасидан доимий равишда назорат ишлари ўтказилмоқда. Нақд пул тушумини кам ёки умуман топширмаётган, НКМдан фойдаланмаётган ҳамда кирим қилинмаган маҳсулотлар билан савдо қилиш ҳолатларини аниқлаш ҳамда тегишли чоралар кўриш мақсадида 2009 йилда 311 та текширув тадбирлари амалга оширилди. Тадбирлар натижасида НКМдан фойдаланмаслик ёки квитанция расмийлаштириб бермаслик бўйича 199,6 млн. сўм, нақд пул тушумини ўз вақтида банк муассасасига топширмаслик ҳолатлари юзасидан 215,6 млн. сўм миқдорида молиявий жарималар қўлланилган. Кирим ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотлар билан савдо қилганлиги учун жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан 267,5 млн. сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган.

Шунингдек, ноқонуний равишда фаолият юритиш ҳолатларига барҳам бериш борасида ҳам мунтазам равишда тадбирлар амалга ошириб келмоқдамиз. Жумладан, 2009 йилда бўлим томонидан ўтказилган тадбирлар натижасида ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмасдан давлат рўйхатидан ўтишдан бўйин товлаган ҳолда савдо фаолияти билан шуғулланаётган 37 нафар фуқаро ҳамда 8 та ноқонуний цех фаолиятига чек қўйилган.

Ўтказилган хронометраж мониторинг тадбирлари натижасида бир кун олдинги тушумга нисбатан 1782,5 млн. сўм ортиқча тушум туширишга эришилган.

Ушбу текширишлар натижасида 122 нафар шахсга нисбатан жамланган ҳужжатлар қонуний чора кўриш учун туман судига юборилган, 145 нафарига нисбатан маъмурий жарима чоралари кўрилган ва 44 та ҳолатда жамланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга қонуний чора кўриш учун юборилган.

Ш.ИСОҚОВ,
Шайхонтоҳур туман ДСИ қисқа муддатли текширувлар ўтказиш бўлими бошлиғи

— Ҳа энди у даврлар ўтди-да, ака, дастлаб қудуқлардан сув мотор ёрдамида чиқариладиган бўлди. Ҳозир эса деярли барча яйловларда буровойларнинг (геологларнинг демоқчи) сув крани бор.

— Барибир, туя туя-да, истаганингча юк бос, кўзлаган манзилингга етказади. Жониворга оддий янтоқ бўлса бас, ем-хашак сўрамайди.

— Э, ака, ҳозир қайси бош чўпон эшак миниб мол боқаяпти?

— Шунақа деганимиз учун ишларимиз ўлда-жўлда бўлиб ётибди-да. Сурувнинг изига тушмаган чўпон кўзлаган маррасига эриша олармиди.

— Айримлар бир ҳамроҳи ит, иккинчиси эшак бўлса чўпондан нима син (гина маъносида) қабилида беписанд гапиришади-ку, —ўсмоқчилаб сўрайман суҳбатдошларимдан.

— Яйлов сурури, ҳузурбахш ташвишларидан бехабар кимса нима деса деяверар, аммо шу касбга меҳр қўйган одам бошқача турмуш тарзини қабул қилолмайди.

Ҳар гал чўпонлар ҳузурида бўлганимда, чойдишга дамланган чойни ичиб, ўтов гурунгларига қулоқ тутганимда кўз ўнгимдан бир манзара ўтаверади...

...Қоронғу тун, бепоён саҳро бағрида табиат билан ёлғиз қолганмисиз? Йўқ дейсизми? Агар бундан кейин сизга шундай бахт насиб этса нигоҳингизни узоқ-узоқларга тикишни унутманг. Шунда ажиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Бир қарашда сокинлиги билан кишини қўрқувга соладиган саҳро паст-баландликларининг у ер-бу ерида ерга тушган юлдузлардек милтиллаб турган гулханларга кўзингиз тушади. Ўксик қалбингиз ўсади, қўрқувингиз босилади, чунки тилини тулкининг думидек ўйнатиб сизни сеҳрлаган гулхан саҳро бўм-бўш эмаслигини англатади. Адашмадингиз, юрагингизга яшашдан бахтиёрлик ҳиссини жойлаган, ширин хотиралар, орзулар қатини очган нарса чўпон гулханлари. Табиат донишманди бўлган бу касб соҳибларининг доимий ҳамроҳи у.

— Гулханда хосият катта, — дейди Сойиб ака. — Теварак-атрофингизни ёритади, совуқ тушган кезларда танангизни илитади, чойингизни қайнатиб беради. Энг муҳими, бўрибосар итингиз сергак, гулханингиз гуркираб ёниб турган жойга жондор (бўри демоқчи) яқин йўламайди.

Битта-яримта йўлидан адашган бўлса унга қараб йўлини топади ёки бир кечани одам бор жойда ўтказади.

3

— Сиздан гинам бор, домла, — деди бир кун «Янгиқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, чинакам бадиий сўз муҳиби Одил Қурбонов.

Рости гап, Одил билан суҳбатдош бўлган киши зеракиш нималигини билмайди. Айниқса, гурунг мавзуси қишлоқ тарихига тақалса борми, ўнлаб ибратли ҳодисаларни ўзи иштирокчиси бўлгандек вақти-соати, мукаммал тафсилотлари билан ҳикоя қилиб беради. Биздан уч-тўрт ёш кичик бу йигитнинг қувваи-ҳофизасига кўп қатори мен ҳам тан берганман. Бундайларни Помукда «қулоғи қаттиқ» (эшитган гурунгини ёддан чиқармайдиганларга нисбатан айтилади) дейишади.

— Нега? — сўрайман Одилдан.

— «Ўтов гурунглари» туркумингизни катта қизиқиш билан ўқиб бораяпман, жуда ибратли воқеаларни қаламга олибсиз. Лекин Помукда битта сингир бўлса, менинг отам бўлганини эшитгандирсиз, шунча нарсани ёзибсиз, отам ҳақида бирон оғиз сўз айтмабсиз.

Одилнинг мулоҳазаси баҳона Султонёз бобо ва унинг авлод-аждодлари ҳақида қулоғимга чалинган айрим ҳикояларни эсладим...

...Помуқлик Арниёзбойнинг беш мингдан зиёд қўй-эчкиси борлиги, ўзи ҳотамтойлигини қизил аскарлар ҳам, «босмачилар» ҳам яхши билишар, шу боис унинг меҳмонхонаси «бетараф ҳудуд» саналаркан. Арниёзбой ҳар икки томон одамларига ҳам тўкин дастурхон ёзиб, қучоқ очиб қаршиларкан. Бу меҳмонхонага бирон киши қурол билан кирмас, душман атрофда айланиб юрса-да ўқ-яроқларини эшикда, деворга суяб қолдиришаркан. Унга қизиллар: «Нега босмачиларни меҳмон қилдинг?», босмачилар: «Уйингга қизилларни киритдинг», — деб зуғум ўтказишолмас экан.

Сахий бой отарларга чиққанда чўпон-чўлиқларига бирон бўрдоқини сўйишни топширар, алоҳида иззат-ҳурмат кутмай улар билан бирга ўтириб овқатланар, қолган этни: «Ўзларинг пиширибеяверинглар», — деб қолдириб кетаркан.

Ўттизинчи йиллар бойлардан мол-дунёсини давлатга топшириш сўралганда Арниёзбой чўпон таёғини қўлида ўйнаганча:

— Ҳукуматга керак экан, ҳамма молларимни олинглар, фақат сурув ортидан чўпон бўлиб юришимга рухсат берсангизлар бас, — деб беш отар қўйини ҳам ихтиёрий колхозга берган экан...

— Отам ҳар доим бизга одамгарчиликни Арниёз амакимдан, чўпончиликни Қурбонёз боболарингдан ўрганганман дерди, — эслайди Одил Қурбонов. — Бобом ўзи бош чўпон бўлган сурувдаги қўйлар қўзилаганда чўпон-чўлиқлари онасидан ажратиб қўйган қўзиларга қараб ҳеч адашмасдан қайси қўйининг боласи эканлигини айтиб бера оларкан.

...Эрталаб қўшнисининг «Урал» мотоцикли пат-пат этиб юрганини эшитган Абдулло Қора унинг йўлига чиқиб турибди.

— Ҳа, қўшни, тонг саҳарлаб йўлга чиқиб олибсиз? — сўрабди Султонёз бобо мотоциклини тўхтатиб.

— Сизни кутиб тургандим.

— Нима хизмат?

— Кеча тўртта қўй сотиб олгандим, шуларга баҳо берсангиз.

— Қани, кўрайлик-чи.

Икковлашиб ҳовли тўрида ўтлаб юрган қўйларга яқинлашибдилар.

— Мана шу тўрттаси, — Абдулла бобо бошқа совлиқларга қўшилмай четда ҳуркиб турган қўйларни кўрсатибди.

— Насиб қилсин, ёмон эмас, тўрталасиям зотдор қўй, лекин бирontасиям ўз қишлоғимиздан олинмаган, чамамда Муборакдан харид қилибсиз.

Султонёз бобонинг гапларини эшитиб Абдулло Қора ҳайратдан анграйиб қолибди. Негаки, у ҳақиқатан ҳам қўйларни мубораклик танишидан сотиб олган экан...

...Бешим домла фарзандларига суннат тўй бермоқчи бўлиб, ўша даврнинг тамойилиги кўра, қишлоқ кайвониларини маслаҳат ошига чақирибди. Табиатан одамовироқ Султонёз бобо овқат еб бўлингач, ташқарилабди. У қайтиб келганида меҳмонлар аллақачон ўринларидан қўзғолишган, тўй куни белгиланган экан.

— Тўй қайси кун ўтадиган бўлди? — сўрабди у хонадон соҳибидан.

— Насиб бўлса, октябрнинг ўн бешида.

— Бошқа кун қуриб қолган эканми? — хавотирланибди Султонёз бобо.

— Нега ундай дейсиз, қаранг, ҳаво қандай очиқ, бир ҳафтада ўзгариб қолармиди?

— Чакана қипсан божа, олдиндан бир оғиз сўраш керак эди. Ўша куни осмон билан ер туташади, ёғингарчиликнинг дастидан пиширган овқатингни бировга едиролмайсан, ҳалиям оқсоқоллар тарқалмагунча тўйни бошқа кунга кўчирайлик.

Даврадагилар унинг гапларига кулиб қўйишибди, лекин кунлар ўтиб, тўй қозонига олов қаланганида бўрон кўтарилиб, ёмғир аралаш қор чаппа-ростасига урибди, овқат овқат жойида, дастурхон дастурхон жойида қолибди. Шундан кейин ким тўй қилмоқчи бўлса, Султонёз бободан бемаслаҳат иш тутмайдиган бўлибди...

— Отам чинакамига ҳисобдон киши эди, — деб эслайди Султонёз бобонинг изидан бориб қўйчивонликни қасб қилган Темир ака Султонов. — Йилнинг қай фаслида сурувни қандай боқиш кераклигини у кишидан ўрганганман. Тағин отамнинг бир гаплари ҳалигача қулоғим остида жаранглаб туради:

— Чўпончиликни касб қилган одамнинг иродаси қўйнинг туёғидан ҳам қаттиқ, қалби сахий, яйловлардек кенгбағир бўлиши керак, агар шу хислатларни ўзингда жамламасанг, сурувнинг изидан тушганинг бекор.

4

Холли бобо чойдишдан пиёлага чой қуйиб узатаркан:

— Босиб-босиб ичинглар, чўпон чойига келадиган чанқовбосди йўқ, — дейди.

Шундоғам манзиратни кутиб ўтирмаймиз, дастурхонга тўкилган қанд-қурс билан чўғ яқинига қадалган чўпга тираб иситилган нондан оғиз тўлдириб чайнаймиз. Гўё дунёда бундан тотлироқ таом йўқдек туюлади.

Сокинлик ҳукмрон саҳро тинчлигини қўйётоқ томондан эшитилаётган қўзининг маъраши бузади.

— Нега бунча маъраяпти? — сўрайди шеригим Холли бободан.

— Кеча бир қўй илон чақиб ўлганди, қўзиси урғочи бўлгани учун сўйишга қўлим бормаганди.

— Маррилардан бирontасига олдирсангиз бўларди.

— Шунга вақт тополмаяпман, болалар қишлоққа кетишганди, ҳадемай келиб қолишади, кейин бир йўлини қиларман.

— Бу ишни кечиктириб бўлмайди, қўтонда қўзиси сўйилган маррилардан борми?

— Бор, нима қилмоқчисан?

— Қўзисининг терисини топиб беринг, бошқаси билан ишингиз бўлмасин, қўзичоқнинг қорнини тўйдириб келаман.

— Ҳозир, — Холли бобо токчадан янги сўйилган қўзининг терисини олиб узатди. — Нима қилмоқчи эканлигингни билиб турибман, лекин сени ташвишга қолдирмоқчи эмасдим.

Алексей терини олиб чиқди.

— Энди нима қилади? — сўрадим кекса қўйчивондан.

— Барака топгур, чорвани яхши билади, ота ўғил-да. Исмоил чўпоннинг бундай ишларга суяги йўқ эди. Агар зеркмасангиз у кишининг ҳаётидан бир ҳикоя гапириб бераман. Кейин Алексей қўзини қандай овунтирганини бирга томоша қиламиз. Биламан, у отасидан ўрганган тажрибани қўлламоқчи.

(Давоми бор).

Ishonch
2010-yil 16-fevral №20 (2745)

Тадбир

Қадриятларга ҳурмат руҳида

Юртимизда истеъдодли ёшларни излаб топиш ва иқтидорлиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада касаба уюшмалари амалга ошираётган эзгу ишлар диққатга сазовор.

«Авиасозлар» маданият саройида бўлиб ўтган тадбирда ана шундай иқтидорларни кашф этаётган ҳамда касаба уюшма аъзолари, уларнинг фарзандларини бадиий ҳаваскорлик жамоаларига жалб қилишда эришган ютуқлари учун Тошкент шаҳридаги корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида фаолият кўрсатаётган жамоаларга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгашининг диплом ва совғалари топширилди.

Сирғали тумани 21-Мусиқа ва санъат мактабининг «Шодиёна», «Авиасозлар» маданият саройи қошидаги «Аҳмадзода» халқ чолғу асбоблари жамоалари «Халқ бадиий ҳаваскорлик жамоаси» номига сазовор бўлди. Шунингдек, Юнусобод тумани 260-мактабнинг «Радуга», «Авиасозлар» маданият саройи қошидаги «Ритмы планеты», Учтепа тумани 107-мактабнинг «Импульс» рақс, Юнусобод туманидаги 51-мактабнинг «Хор», Сирғали тумани 284-мактабнинг «Офарин» доиракашлар жамоалари ҳамда «Тошкент трактор заводи» очиқ акционерлик жамияти маданият саройи қошидаги «Гулдаста» болалар рақс студияси «Намунали бадиий жамоа» номига лойиқ топилди.

Тадбирда шаҳар касаба уюшма фаоллари, вилоятлардан келган касаба уюшма ташкилотлари раислари ҳамда маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудирлари иштирок этишди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
«Ishonch» мухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Касаба уюшма спорти

Орзунинг ушалиши ҳаракатга боғлиқ

Ўтган йилдан бошлаб гандбол бўйича мамлакат чемпионатида «Карши» жамоаси ҳам иштирок эта бошлади. Шуниси эътиборлики, жамоа касаба уюшма спортчиларидан ташкил топган бўлиб, ҳомийликни ҳам Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўз зиммасига олган.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти Қашқадарё вилоят кенгаши раиси, вилоят гандбол жамоаси асосчиси Қодир ТУРДИЕВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Жамиятимиз тасарруфидаги Болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ишлайдиган Алшанский деган зўр мураббий бўларди. Ёшлигимда унинг машғулотларини кузатиб гандболга қизиқиб қолганман. Қарши Давлат университетида таҳсил олган пайтимда мураббий Эркин Намозовдан гандболнинг ўзига хос сирларини ўргандим. Қатор мусобақаларда қатнашдим. Олий ўқув юртини тугатгач, Қарши шаҳридаги 5-мактабда жисмоний тарбия ўқитувчиси сифатида фаолиятимни бошладим. Мактаб қошида гандбол тўгарагини ташкил этдим.

Амалий ва назарий машғулотларимиз зое кетмади. Шогирдларим 1987 йили Андижон шаҳрида ўтган Республика биринчилигида мезбонлардан сўнг иккинчи ўринни эгаллади. Бу нафақат менга, шогирдларимга ҳам куч берди.

1988 йилда Қарши политехника билим юртида иш бошладим. Бу ерда ҳам гандбол тўгараги фаолиятини йўлга қўйдик. Буни қарангки, гандболчи қизларимиз вилоятдаги барча жамоаларни мағлуб этадиган даражага етди. Эл эътиборига тушдик. 1991 йилда вилоят касаба уюшмалари тизимидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабига директор бўлдим. Давлатимиз мустақилликка эришгач, спортга эътибор кучайди. Уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» спорт мусобақалари ташкил этилди. Ҳар бир спорт тури бўйича истеъдодларни саралаш, уларнинг маҳоратини янада ошириш имкони туғилди. Оммавийликдан профессионал спортга ўтиш учун пиллапоя яратилди.

«Қарши» гандбол жамоаси узоқ йиллик орзуларимизнинг ушалишидир. Мактабда таҳсил олган 10-12 ёшли болалар йиллар ўтиб, камолга етишди. «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида қатнашиб, тажрибаси ошди. Жамоани қўллаб-қувватлашни сўраб вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсонбой Ражабов қабулига кирдим. Раис таклифимни маъқуллади. Жамоага янги либослар харид қилинди, машғулоту мусобақаларга бориб-келиши учун маблағ ажратилди. Бугунги кунда жамоамиз мамлакат чемпионати «Б» гуруҳида 2-турдан сўнг иккинчи поғонада бормоқда. Сентябр ойида Андижон вилоятида ўтган чемпионатнинг 1-турида қатнашди. Ноябрда Самарқанд вилоятида ўтган навбатдаги турда ҳам жамоамиз ёмон ўйин кўрсатмади.

Ойбек Қодиров, Сардор Норбеков, Адҳам Латипов, Лазиз Тошниёзов каби ёшларнинг ҳаракатлари мутахассислар эътиборига тушди.

Айни пайтда жамоамиз спортчилари март ойида ўтадиган чемпионатнинг 3-тур ўйинларига шайланмоқда.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Ёқилғи-энергетика, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят вакиллиги жамоамизни қизғин қўллаб-қувватлаётганларидан жуда миннатдормиз. Мақсадимиз — истеъдодли ёшлардан мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладиган кучли жамоа тузиш.

Шу ўринда бир мулоҳаза: жойлардаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида гандбол бўйича машғулотлар ўтказилади, аммо болаларнинг маҳорати унчалик юқори эмас. Гандбол бўйича БЎСМ очиқ биринчилиги болалар ва ўсмирлар ўртасидаги вилоятнинг йирик мусобақаси саналади. Мусобақа пайтида шунга амин бўлдикки, бир-иккитасини ҳисобга олмаса, жамоалар жуда кучсиз.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларига кўп нарса боғлиқ. Ўқитувчи шундай дарс ўтсинки, болада ўз-ўзидан спортга қизиқиш уйғонсин. Дарсдан бўш вақтида бола спорт мактабига борсин. Спортсиз ҳаётини тасаввур эта олмасин. Бунинг учун, албатта, БЎСМларда ишлайдиган мураббийлар ҳам кучли бўлиши керак. Вилоятда спорт турини ривожлантириш, қизиқишни янада ошириш учун чемпионатнинг бирор тури учрашувларини шу ерда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунга маблағ зарур. Ҳомийлар топиб, уларнинг маблағларини жалб қилайлик десак, федерация ҳам, унинг ҳисоб-рақами ҳам йўқ. Вилоят гандбол федерацияси ҳалигача тузилмаган. Федерация тузиш бўйича ҳужжатларни тайёрлагандик, вилоят адлия бошқармаси рўйхатдан ўтказмай турибди.

Деҳқон ёки оддий ишчи бўш вақтини қандай ўтказяпти? Қайси мажмуада, қандай спорт тури билан машғул? Туманлардаги касаба уюшма ташкилотлари бу билан қизиқиши шарт. Чунки меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш касаба уюшма ташкилотининг асосий вазифаси. Собиқ чемпионми, мураббийми жамоатчилик асосида спорт ишларига бириктириб қўйиш керак.

Қишлокда спорт зали бўлмаса бўлмас, аммо бу аҳоли спорт билан шуғулланмайди, дегани эмас. Лоақал, қўлбола, ҳашар йўли билан футбол ёки волейбол майдони ташкил этиб, турли ўйинлар, мусобақалар ўтказиш мумкин эмасми?! Бу ҳам аслини олганда соғлом турмуш тарзини шакллантириш йўлидаги дастлабки қадамдир.

Ўтган йилда спорт жамиятимиз маҳаллалар билан биргаликда «Футболимиз келажаги» турнирини ўтказди. Барча тармоқлар билан спорт мусобақалари ташкил этишда ҳамкорлик йўлга қўйилди. Касаба уюшма ташкилотлари тизимидаги «Спорт-соғломлаштириш маркази» ва «Насаф» ўйингоҳи доимий меҳнаткашлар хизматида. Қолаверса, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жисмоний тарбия ва спорт жамияти томонидан тузилиши кутилаётган «Касаба уюшма спорти ва спорт фахрийларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси»дан ҳам умидимиз катта.

Баркамол авлод йилида бошланғич ташкилотлар ишини жонлантириш, аҳоли ўртасида спортга қизиқишни ошириш мақсадида спартакиадаларни фестивал тарзида ўтказмоқчимиз. Бундай тадбир сўнггида ғолиблар аниқланмайди, фақат номинациялар бўйича «Энг яхшилар» номи эълон қилинади. Ана шунда ташкилот раҳбарлари натижа кетидан қувишмайди. Ўз жамоаларини ёлланма спортчилардан эмас, аксинча, ишловчи ходимларидан шакллантиради, деб ўйлайман.

Суҳбатни «Ishonch» мухбири
Акмал АБДИЕВ ёзиб олди.

Акл чархи

«Аллома шоир» айланма кроссворди

Жавоблар шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг набираси, Ҳиндистон давлати ҳукмдори бўлган - истеъдодли саркарда, Ҳумоюн Мирзонинг фарзанди. **2.** Бобурнинг падари бузруквори, Фарғона вилояти ҳокими. **3.** Бобур Ҳиндистонда барпо этган давлат пойтахти. **4.** Шоир ижодига мансуб назмий асар тури. **5.** Бобур билан мулоқотда бўлган форсий тилда ижод қилган мумтоз қасиданавис шоир, мусиқашунос тарихчи. **6.** Бобур набираси топшириғига кўра унинг вазири томонидан ёзилган уч жилдлик «Акбарнома» асари муаллифи, давлат арбоби, тарихчи ва адиб. **7.** Ёзувчи Пиримқул Қодировнинг «Юлдузли тунлар» романи қаҳрамони. **8.** Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Халқаро Бобур жамғармасининг совриндори. **9.** Бобур мақбараси бунёд этилган Афғонистондаги шаҳар. **10.** «Бобурнома» асарини жаҳонда энг биринчи бор тўлиқ нашрини инглиз тилида нашр этишга муваффақ бўлган таржимон ва ношир. **11.** Шоирнинг алифбо сираси билан тартиб этилган шеърлар тўплами. **12.** Бобур ғазали билан ижро эиладиган мумтоз ашула. **13.** Аллома ижодкор сиймосини портрет жанрида гавдалантирган Ўзбекистон халқ рассоми. **14.** «Бобурнинг тушлари», «Бобурийнома» асарлари муаллифи, шоир номи билан аталувчи халқаро мукофот соҳиби, ўзбек адиби. **15.** «Бобурнома»да келтирилган шоирнинг туркий рубоийсидан: Ишлар бори кўнглунгдағидек бўлғусидур, Инъом вазифа бори буйрулғусидур. Ул ғаллау муҳмалки деб эрдинг, бердим, Муҳмалға бўю ...дин уй тўлғусидур. **16.** Темурийлар давлати даврида қўлланилган пул бирлиги. **17.** Бобур обод масканга айлантирган Ҳиндистондаги йирик марказий шаҳарлардан бири. **18.** Шоир таваллуд топган, истиқлолимиз йилларида «Боғи Бобур», сўлим қадамжо бунёд этилган шаҳар. **19.** Бобур баракали ижод қилган шеърият тури. **20.** «Бобурнома»да қатор таърихий маълумотлар ёзиб қолдирилган обод водий. **21.** Бобур фарзандларидан бирининг исми. **22.** «Бобурнома»да:»... назири йўқ киши эди. Туркий тил била шеър айтибтурлар, ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас» таърифи билан қайд этилган мутафаккир шоир. **23.** Бобур ижодига мансуб бадиий ижод соҳаларидан бири, шеърият. **24.** Бетакрор аллома шоир ҳаётини ва ижодини ўрганишга катта ҳисса қўшган, Халқаро Бобур жамғармаси ташаббускори, андижонлик табиатшунос олим.



МУАММОНОМА. Аввало қуйида таърифланган ва шеърий мисраларда келтирилиб, рақамларда ифодаланган калит сўзларни топинг.

1. Воқеа-ҳодисалар даврлари бўйича қайд этилган манба - 10, 5, 9, 4, 7, 8, 2.
2. Ер юзасининг баланд маскани - 6, 7, 3.
3. Хона жиҳози, бадиий буюм - 13, 5, 9, 2, 8.
4. Оламни ўрганиш, дам олиш мақсадларида амалга ошириладиган сафар. - 12, 2, 14, 11, 2, 6.
5. Бобурнинг она ватан соғинчи мазмунидаги мисраларидан:
Толеъ йўққи жонимға балолиғ бўлди,
Ҳар ишниким, айладим хатолиғ бўлди.
Ўз ерни қўйиб 11,5,4,1. сори юзландим.
Ёраб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.

Энди жавоб сўзлари асосида шаклнинг ўрта қисмидаги рақамларни мос ҳарфлар билан алмаштириб, муаммономани ҳал этинг. Бунда улардан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ёзиб қолдирган икки мисра ҳикматни билиб оласиз.

Фозилжон ОРИПОВ тузди.

Газетамизнинг 18-сонидаги «Мутафаккир ижодкор» чайнвордининг жавоблари:

1.Султонмурод. 2.«Дилором». 3.Муаммо. 4.Ойбек. 5.Китоб. 6.Беҳзод. 7.Девон. 8.Назм. 9.Мушоира. 10. Астробод. 11.Достон. 12.Низомиддин. 13.Нома. 14.Аруз. 15.Зуллисонайн. 16.Нурфош. 17.Шоҳруҳ. 18. Хондамир. 19.Ранж. 20.Жуна. 21.Ардашер. 22.Риёзиёт. 23.Тажнис. 24.Самарқанд. 25. Дурсултон. 26. Нақл.

«Эзгулик ҳикматлари» муаммономаси

Калит сўзлар: 1. Ғами. 2. Жавр. 3. Эл. Одам. 4. Ногаҳон. 5. Бўлса. 6. Ярмин. Ҳикмат: Даврон элининг жисмида ҳам жон бўлғил, Ҳам жонларға мояи дармон бўлғил.

Саломатлик сабоқлари

Сачратқи

Сачратқи кўп йиллик ўсимлик бўлиб, мураккабгуллилар оиласига мансуб. Бўйи 1,5 метр, гуллари тилсимон, ҳаворанг. Табобатда илдизи қўлланади.

Таркибида инулин, ўзига хос аччиқ таъм берувчи интибин гликозиди, пектин, холин, оқсил, мой, қатрон моддалари бор.

Илдизидан фруктоза олинади. Шуниси диққатга сазоворки, ўсимлик томири кофе ўрнида қўлланади. Буни тайёрлаш учун илдизи майдаланади ва қовурилади. Сўнг кукун ҳолига келтирилади. Уни қайноқ сувга солиб (1 қошиғини 0,5 литр сувга) 3 дақиқа мобайнида қайнатилади, кейин докада сузилади. Қарабсизки, оромижон ичимлик ҳосил бўлади.

Сачратқи иштаҳани очади, ошқозон ва ичак фаолиятини яхшилайди. Гастрит, колитда яхши наф беради. Бунинг учун 2 қошиқча майдаланган илдизи 200 мл қайноқ сувга дамланади.

Жигар, ўт (сафро), буйрак хасталикларида ҳам бу дамлама тавсия этилади. Ўсимликнинг ер устки қисми қайнатмаси кишига тетиклик бағишлайди. Камқонлик (анемия)да тавсия этилади.

Асабни тинчлантиради. Бу хосияти билан тоғсумбули ва арслон қуйруқ ўсимликларидан қолишмайди. Абу Али ибн Сино ўсимликнинг хосияти ҳақида шундай деган: «Сачратқи ички органлар ва томирларнинг тиқилмаларини очади. Унда етарли даражада буришириш хусусияти бор. Ёввойи сачратқининг сути кўзнинг оқини кетказади. Юракни кучли қилади. Совуқдан бўлган иситмаларга фойдали. Илдизини қуюқ суртма қилинса чаён, ари, илон чаққанига фойда қилади...»

Гиёҳда яна қон тозаловчи ва модда алмашувини яхшиловчи хусусият бор. Тери хасталиклари, чипқон, чиркли яраларда қўлланилади.

Пояси яраларни тез битишида яхши омил ҳисобланади. Суяк синганида, офтоб урганида ҳам сачратқи эм бўлади.

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,
доришунос

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК очиқ Аукцион савдолари тўғрисидаги эълонга ўзгартириш киритиш тўғрисида

«Ishonch»газетасининг 2010 йил 21 январдаги 9(2734)-сонида чоп этилган, 2010 йил 11 феврал соат 11.00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибидаги аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Тузел» ҚФЙ, «Искандар» ф/х ҳудудида жами 2,6 га майдонда жойлашган ҳар бирининг сатҳи 0,06 га ва бошланғич баҳоси 1 241 928 сўм бўлган 25та ер майдонлари, 21 ер майдонлари деб ўқилсин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлар «Закалат пули тўғрисидаги келишув»ни имзолаб объект бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўлашлари ва қуйидаги ҳужжатларни топшириш-лари шарт: жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 кун олдин (соат 11.00да) тўхтатилади. «Respublika Mulk-Auksioni» ДКнинг банк реквизитлари: ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, СТИР- 206761326, ҳисоб рақами 20210000804537599001.

Ушбу кунлардаги савдолар бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса мулк(ҳуқуқлар)нинг такрорий савдолари ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосини ўтказиш ва қўшимча маълумот олиш манзили: 100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳқўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биноси, 1-қават чап қанотдаги савдолар зали. Телефон: 239-83-82 Факс: 150-34-46. Email: info@mulk.uz

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ва унинг Тошкент вилоят вакиллиги жамоалари Ангрен уй-жой ширкатлар уюшмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Шарофат Ҳамдамовага қизи **МАТЛЮБА**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси «Коттон Роад» ҚК ишлаб чиқариш бошлиғи Аҳмаджон Турсуновга ўғли **РАСУЛЖОН**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси атоқли физик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги **Пўлат ҲАБИБУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кенгаши ҳамда Тошкент шаҳар касаба уюшма қўмиталари раислар Кенгаши жамоалари «Ўзқишлоққўжаликмашлизинг» Акциядорлик Лизинг Компанияси касаба уюшма қўмитаси раиси **Алаутдин ХЎЖАЕВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Insonga naf keltirish - oliy baxt

Muassis:
O`zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay`ati:
Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o`rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas`ul kotib), Ma`mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat AllAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirimqul QODIROV, Sog`indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo`limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma`naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e`lonlar 256-87-73

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko`chasi, 24-uy
E-mail: mail@ishonch.uz

Nashr ko`rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: Sh. Abdusamadov
Musahhih: S.Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko`chasi, 41-uy.

O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi, Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma`lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart. * Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди - 21.20

Буюртма Г — 152

20583 nusxada bosildi

ISSN 2010-5002

1 3 4 5